

## Сийрат хатмонасида «Нурул яқин» китобидан бериладиган саволларга тайёрмисиз?



20:26 / 23.10.2022 2212

Islom.uz портали мухлислари, **26 октябрь куни, шом намозидан сўнг «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф»** жомеъ масжидида барчамиз учун бирдай азиз бўлган севимли шафоатчимиз — Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаламнинг ҳаётлари ва таълимотларига боғлиқ бўлган **«Дунё Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёруғдир»** шиори остида ўтказилган сийрат хатмонаси тадбири бўлиб ўтиши ҳақида эълон берган эдик.

Ушбу сийрат хатмонаси тадбирида савол-жавоб рукни ҳам ўрин олган. Хусусан, устоз **Абулазим Зиёуддин** домла тарафларидан академик таржима қилинган **«Нурул яқин»** китобининг биринчи жузи асосида савол-жавоб мусобақаси бўлиб ўтади. Сийрат мусобақасида иштирок

этишни истаган диндошларимиз мазкур китобни ўқиб, тайёрланиб келишлари сўралади. «**Нурул яқин**» китобини мутолаа қилар экансиз, ўзингизни гўё саодат асрига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Азиз иштирокчилар, сиз ушбу мўътабар китобни ихлос билан ўқинг ва натижасига ўзингиз гувоҳ бўлинг.

**Мусобақада иштирок этиб, тўғри жавоб берганларга эсдалик совғалар тақдим этилади.**

**Барча диндош ака-ука, опа-сингилларимизни сийрат хатмонасига таклиф этамиз!**